

339.138(043.3)

М 14

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҶТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлбўма ҳукукид:
УДК:339.138+631(575.1)

МАДИЯРОВ ҒАФУРЖОН АХМЕДОВИЧ

**ИСТЕММОЛ ТОВАРЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНИШИ
(озиқ - овқат товарлари мисолида)**

08.00.13 - Менежмент ва маркетинг

**Ижтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2008

339.138(043.3)

1.114

Диссертация Наманган мұхандислик иқтисодиёт институтининг
«Маркетинг» кафедрасыда бажарилған

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Солиев Ахмаджон

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори,
профессор Иватов Ирисбек

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Ахмедов Омонуллохон Мидхадович

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти

Химоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар
химояси бўйича Д.067.06.01 ракамли ихтисослашган кенгашнинг 2008 йил
«28» №С.реч соат да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети
кутубхонасида танишиш мумкин

Автореферат 2008 йил «23» №С.реч да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби
иқтисод фанлари доктори, профессор Беркинов Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида хўжалик субъектларининг иктисодий самарадорликка эришиши, бозор иштирокчилари мағфаатлари уйгулиги, истеъмол бозорининг истеъмолчиликнинг сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондириши ва шу кабилар асосида ахоли маддий фаровонлигини ошириш содир бўлади. Бозор иктисодиёти шароитида хўжалик субъектларини муваффакиятга эришишида маркетинг тизимини шакллантириш ва ривожланиши мухим аҳамиятга эга бўлиб, у бозор муносабатлари такомиллашувининг асосий категориялардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам истеъмол бозори иштирокчилари ўргасида ўзаро рақобатбардошлик муносабатларини шакллантириш ва ривожланишида маркетинг тизими тамойилларидан оқилона фойдаланиш лозим бўлади.

Маркетинг тизими, умуман маркетинг фаолиятига Республика Президенти И.Каримов ҳам катта эътибор бериб, “Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиши билан жиддий шуғулланиш зарурлигини таъкидлаймиз”¹, деб қайд қилиши, Ўзбекистонда маркетинг тизими тушунчаси, моҳияти, назарияси ва хўжалик субъектлари фаолиятида бажарадиган вазифасига катта эътибор бериш, тури соҳалар, йўналишлар бўйича уни қўллаш механизmlарини ҳаётга татбиқ қилинишини асосий мақсад қилиб қўяди. Айниқса, озиқ-овқат товарларини истеъмолчигача етказиш билан боғлик бўлган жараёнларда маркетинг тизимини йўлга қўйиш аҳолининг айнан шу товарларга бўлган талабини қондиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, истеъмол товарлари бозорида маркетинг тизимини такомиллаштириш аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини тўларок қондиришга йўналтирилган ва ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга бўлган илмий-амалий восита ҳисобланишини қайд қилиб, истеъмол товарларини, жумладан озиқ-овқат товарларини чакана савдо тармоқларга етказиш, ўтказиш, сотишина таъминлаш, юқори даражада ташкил этилган сервис, замонавий савдо маданиятини қарор топтириш ҳисобига содир бўлиши кераклигини таъкидлаймиз. Бу эса ўз наබатида, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача етказишида зарур бўладиган барча жараёнларда маркетинг тизимини қўллаш савдо фаолияти самарадорлигини оширади.

Шунинг учун ҳам истеъмол товарлари бозори фаолиятини тадқик қилиш, унда маркетинг тизими ривожланиши билан боғлик бўлган муаммоларнинг ҳал қилиниши асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини тўларок қондириш ва чакана савдо фаолияти самарадорлигига эришиш ушбу мавзу долзарбилигидан далолат беради.

¹ Каримов И.А. Келажакни жасоратли одамлар қуради // Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т. 7-Т.: Ўзбекистон, 1999. 321-б.

Муаммонинг ўрганилганлиқ даражаси. Иктиносидиётни модернизациялантириш ва эркинлаштириш шароитида бозор субъектлари фаолиятида жуда зарур бўлган маркетинг тизимини ўрганишга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Умуман, маркетинг фаолиятини иктиносидиётниң турли тармоқлари ва соҳаларида ўрганишга хорижлиқ олимлар Б. Бергман, П. Диксон, Питер Ф. Друкер, Ф. Котлер, Р.Л. Кохис, Ламбен Жан-Жак, Р. Моррис, Стэн Рэлл, Эванс Дж. ва бошқалар, ҳамдустлик мамлакатлари олимларидан С.Н. Андреева, А.А. Браверман, Е.П. Голубков, В.А. Гончаров, А.М. Моисеева, Л.Н. Мельниченко, Е.В.Попов, Ф.П. Половцев, Б. Соловьев, Г.Л. Багиев, В. Тарасевич ва бошқаларнинг илмий ишлари багишланган.

Ўзбекистонда ҳам маркетингнинг умумий йўналиши, унинг турли тармоқлар бўйича қўлланилиши, назарий ва амалий жиҳатлари иктиносидчи олимлар А. Бекмуродов, М. Болтабоев, Ж. Жалолов, Н. Йўлдошев, М. Қосимова, Г. Охунова, И. Иватов, Ф. Комилова, Д. Мухитдинов, М. Насритдинова, А. Солиев, М. Шарифхўжаев, А. Фаттахов, Ш. Эргашходжаева, М. Икрамов. О. Ахмедов ва бошқаларнинг илмий ишларида баён этилган. Шу билан бирга Ўзбекистон шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ташкил қилинча маркетинг тизими ривожланиши масалалари кам ўрганилган. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини айирбошлиш, сотиш жараёнида юкори даражадаги хизматни ташкил қилиб бериши лозим бўлган чакана савдода маркетинг тизими, хусусан, рақобат муҳити, сервис сифати ва, умуман, чакана савдодаги сотувчилар ва истеъмолчилар ҳатти-ҳаракати, маркетинг нұктай назаридан илмий ишларда етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши шароитида истеъмол бозорининг, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг ижтимоий-иктиносий моҳияти ва аҳамияги юкорилиги, унда маркетинг тизимининг қўп кирраларини етарли даражада илмий асосланмаганлиги улбу мавзуни тадқиқот иши сифатида танлапни тақозо этди.

Диссертация ишнинг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Наманган мухандислик-иктиносидиёт институтининг «Фаргона водийси вилоятларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ва самарадорлиги муаммолари» номли мавзудаги илмий-тадқиқот иши билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқот ишининг асосий мақсади-истеъмол товарлари бозорларидаги иктиносий-ижтимоий муносабатларни таҳлил қилиш асосида, унда самарали маркетинг тизими ривожланиши истиқболларини аникловчи илмий-услубий ва амалий тавсияттар ишлаб чикишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Кўйилган мақсадга мувофиқ тадқиқотнинг қўйидаги вазифалари белгилаб олинган:

- иктиносидиётни эркинлаштириш ва бозор ракобати кескинлашуви шароитида маркетингнинг пазарий ва амалий жиҳатларини очиб берган

холда, маркетинг тизими моҳиятини кўрсатиб берип;

- истеъмол бозорининг ижтимойи-иқтисодий моҳияти, унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятларини аниклаш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида маркетинг тизимининг мазмuni, унинг тавсифлари ва хусусиятлари, ундан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш;

- харидорнинг талаб-эҳтиёжини кондиришда чакана савдо имкониятларидан тўлиқ фойдалашган ҳолда, маркетинг тизимини шакллантириш ва қўллаш механизmlарини таҳлил қилиш;

- истеъмол товарлари бозорида ракобат мухитини шаклланишини таҳлил қилиш, монополистик фаолият кўрсатувчи субъектлар ҳатти-харакатини ўрганиш;

- иқтисодиётни эркинлаптириш шароитида нарх-навонинг шаклланиши, хусусан истеъмол бозорида унинг ҳосил бўлиши механизmlарини баҳолаш;

- чакана савдода озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ва таклифнинг намоён бўлиши ва улардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;

- истеъмол бозорининг товарлар таъминоти манбаъларини ва сотиш муаммоларини ўрганиш;

- ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш тажрибасини ўрганиш ва уни истеъмол бозорида маркетинг тизимини тақомиллаштиришга жорий этиш имкониятини баҳолаш;

- озиқ - овқат товарлари чакана савдоси ривожланиши истиқболларини асослаб бериш.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти бўлиб, Наманган вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо-сотикни амалга оширувчи чакана савдо ташкилотлари ва корхоналари ҳисобланади. Тадқиқот предмети бўлиб, озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тизимини ривожланиши билан боғлиқ бўлган жараёнларда содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги замон йўналишини белгиловчи асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, ўрганилаётган илмий муаммо бўйича мамлакатимиз ҳамда чет эл олимлари гоя ва концепциялари ташкил этади.

Тадқиқот ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика кўмитаси, Наманган вилояти статистика бошқармаси, Наманган вилоятидаги савдо ташкилотлари ва корхоналари, «Намангансавдо» акционерлик компанияси маълумотлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик гурухлаш, тизимли таҳлил, иқтисодий-статистик баҳолаш, такқослаш, эксперт баҳолаш, сегментлаш, рақобатдаги устунлик даражасини аниқлаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- маркетингнинг назарий асослари ва унда маркетинг тизимининг мөхијити ҳамда амалиётдаги ўрни;
- истеъмол товарлари бозорининг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти, ҳусусан, озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тизими мазмуни, тавсифлари ва ундан фойдаланиш усуллари;
- истеъмол товарлари бозорида рақобат муҳитининг шаклланиши, монополистик фаолият кўрсатувчи субъектлар ҳатти ҳаракатини баҳолаш услубиёти;
- озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдосида талаб, таклиф, баҳо муносабатлари шаклланишининг услубий асослари;
- маркетинг тизими асосида чакана савдо шаҳобчаларини товар таъминоти механизмлари;
- чакана савдо шаҳобчаларни модернизациялаш, ихтисослантириш ва юқори даражадаги сервисни йўлга кўйиш усуллари;
- чакана савдо шаҳобчаларини ривожлантириш бўйича илмий ва услубий тавсиялар асосланганлиги чисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги бозор рақобати шароитида истеъмол бозорида фаолият юритаётган чакана савдо корхоналари самарадорлигини оширишга хизмат қиласиган маркетинг тизими механизми шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий ва услубий тавсиялар асосланганлиги чисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгиликка эга бўлган натижалари қўидагилардан иборат:

- истеъмол бозорида маркетинг тамоилилари, омиллари ва худудий ҳусусиятлари асосланган;
- аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва ривожланишининг ҳозирги босқичида маркетинг тизимидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган;
- истеъмол товарлари бозорида рақобат муҳитининг шаклланиш ва ривожланиш воситалари асосланган;
- озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ривожланиши башпорати ишлаб чиқилган;
- истеъмол бозорида маркетинг тизимини тақпил қилиш шакллари ва бошқариш жараёнларининг истиқболли йўллари илмий асослаб берилган;
- истеъмол бозорида ҳусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш истиқболлари аникланган;
- озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш жараёнларини тартибга солини ва такомиллаштириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертацияда асосланган хуоса ва таклифлар истеъмол бозорида маркетинг тизимини амалда қўллаш, унинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш асосида озиқ-овқат товарлари чакана савдо фаолияти ва ривожланишини замон талаби асосида ташкил этиш ва самарали бошқариш йўлларини аниқлаш имконини беради.

Иzlаниш жараёнида шаклланган амалий йўлланмалар ва таклифлар истеъмол бозорларида маркетинг тизими ривожланишининг истиқболларини аниқлаш, башоратни амалга ошириш, унинг ривожланиш стратегияси ва дастурини асослаш учун мўлжалланган.

Диссертация натижаларидан «Маркетинг», «Маркетинг асослари», «Озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги» ўкув курсларида ва илмий-тадқиқот институтлари фаолиятида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий килининиши. Тадқиқотнинг асосий гоялари ва натижалари истеъмол бозорлари фаолиятини яхшилаш ва тacomиллаштиришга каратилган йўлланмаларни ишлаб чиқиپда услубий асос хисобланиб, муаллифнинг тавсиялари ҳозирги замон маркетинг тамоийлари ва бошқа бозор воситалари асосида истеъмол бозорини шаклланган ва тacomиллашган ривожланишга стказиш бўйича назарий ва амалий қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Иzlаниш натижалари шунингдек, Наманган шаҳар ва вилоятнинг туман ва шаҳарларидағи истеъмол бозорларини 2008-2012 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқипда ва уларнинг бошқариш тизимини тacomиллаштиришда қўлланалимокда. (Наманган шаҳар «Савдо ва хизмат кўрсатиш департаменти» қарори (13 ноябр 2007 йил №165/1-02)).

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишнинг асосий натижалари «Инновация-98» Халқаро илмий анжумани (Фаргона, ФГИ, 1998 й.); «Макроиктисодиётнинг минтақавий муаммолари» республика илмий анжумани (Фаргона, ФГИ, 1998 й.); «Кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришда янги техника ва технологияни қўллаш ҳамда уларнинг иқтисодий самаралорлигини ошириш муаммолари» республика илмий анжумани (Наманган, НамМИИ, 2002 й.); «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда инвестиция ва замонавий технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари» республика илмий анжумани (Наманган, НамМИИ, 2004 й.); «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда инвестиция ва замонавий технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари» Республика илмий анжумани (Наманган, НамМИИ, 2004 й.); «Иқтисодиёт фанининг Йўналишларини ривожлантириш муаммолари» республика илмий анжумани (Фаргона, ФДУ, 2007 й.); «Қишлоқ ҳудудларида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш муаммолари ва унинг истиқболлари» республика илмий анжумани (Наманган, НамМИИ 2005 й.); «Билимларга асосланган янги иқтисодиёт шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш муаммолари»

республика илмий-амалий конференцияси (Фаргона, ФДУ, 2007 й.); «Иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозатни таъминлашнинг назарий асослари» республика илмий амалий анжуман (Тошкент, ТДИУ, 2008 й.) ларида маъруза қилинган ва ижобий баҳоланганд.

Шунингдек, диссертация иши Наманган муҳандислик-иктисодиёт институти, Андижон муҳандислик-иктисодиёт институти ва Тошкент Молия институти илмий семинарларида ва Тошкент давлат иктиносидиёт университети Муаммоли илмий кенгашида муҳокама қилинган ҳамда химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганини. Тадқиқот материаллари бўйича 12 та илмий иш республика нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва жамъи. Ишнинг таркиби кириш, З та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборатdir. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ўз таркибига 21 та жадвал, 24 та расмни олган ҳолда жами 141 бетда баён этилган.

Диссертациянинг кириш қисмida мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот максад ва вазифалари асосланган, эришилган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган.

«Истеъмол товарлари бозорида маркетинг тизимининг назарий ва услубий асослари» номли биринчи бобда бозор иктиносидиёти шароитида маркетинг тизими, унинг тушунчаси ва назарий асослари илмий таҳлил қилинган ва истеъмол товарлари бозорида маркетинг тизимининг шаклланиши хусусиятлари, истеъмол товарлари бозори учун товар ишлаб чиқарини маркетинг фаoliyatiini бошқариш хусусиятлари ёритилган.

«Истеъмол товарлари бозорида маркетинг тизимининг шаклланиши ва ривожланиши» деб изоҳланган иккинчи бобда ҳудудий озиқ-овқат товарлари бозорида талаб ва таклиф муносабатлари, нарх шаклланиши ва унда маркетинг сиёсати назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган ва илмий мулоҳазалар изоҳланган. Мазкур бобда озиқ-овқат товарлари чакана савдосининг ривожланиши хусусиятлари вилоят миқёсида тадқик этилган.

«Истеъмол товарлари бозорида маркетинг тизимининг ривожланиши истиқболлари» деб номланган учинчи бобда истеъмол товарлари бозорида ракоабтардошлик муносабатларининг Йўлга қўйилиши, маркетинг тизимини янада такомиллаштириш ва уни қўллаш истиқболлари ўрганилган.

Диссертациянинг хулоса қисмida тадқиқот натижалари умумлаштирилиб илмий-амалий таклиф ва тавсиялар баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистонда қисқа даврда иктиносидиётни бозор муносабатлари асосида ўзининг моделига мос ҳолда ривожлантириш мақсадида тажриба тўпланиб.

иктисодий ислоҳотларни амалга оширишда салмоқли ишлар бажарилди, жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор инфратузилмаларининг шакллантириш, бошқариш идораларини қайта куриш, ташки иктиносий фаолиятни кучайтириш ва ҳоказолар хисобига бозор муносабатлари янги мазмун касб этмоқда. Бу жараёнларда бозор муносабатлари учун хос бўлган иктиносий механизмларни ҳам Ўзбекистон иктиносидиётида қўллашга ҳаракатлар мавжудлиги ва амалга оширилиши объектив заруриятдир. Бозорни ўрганишнинг ана шундай механизмларидан бири бўлиб, маркетинг ҳисобланади ва у инсон фаолиятини аниқ мақсадларга эришиш ва ижобий натижаларга эга бўлиш учун амалга ошириладиган онгли равишдаги бошқариш воситаси бўлиб хизмат қиласи.

Диссертацияда таъкидланғанидек, бозор муносабатлари шароитида корхоналар фаолиятининг барча жабҳаларида, жумладан, товар ассортиментини ишлаб чиқиш, товарнинг белгиси, ўраш, сервис хизматлари соҳасида маркетинг концепциясини қўллашп долзарб масалалардан бири ҳисобланиб, фирманинг ички ва ташки фаолиятини бир-бiri билан мувофиқлаштирадиган реал тизим сифатида намоён бўлади ва маркетинг тизимиға кирувчи барча субъектларнинг ўзаро фаолиятларини, ҳаракатларини бир-бiriга мувофиқлаштиради. Шу билан бир вактда, бу жараёнга илмий адабиётларда турли қарашларнинг мавжудлигини ҳам учратиш мумкин. Хусусан, бу масалага ўз муносабатини билдирган Ф. Котлер, маркетинг тизимини «фирма билан унинг товарлари сотиладиган бозорларни боғлаб турувчи энг муҳим бозор муносабатлари ва ахборот оқимларининг мажмуаси»² деб таърифлаши ҳақиқатга якин бўлсада, униш баҳсли тамонлари ҳам мавжуд. Муаллиф фикрчча, ҳозирги кунда буңдай таърифлаш маркетинг тизимининг функционал ва ташкилий моҳиятини тўлиқ акс эттирамайди. Чунки, ҳар қандай тизим сингари, маркетинг тизими ҳам, маълум бир белги, хусусиятлар, амал қилиш қонуниятларига эга. Бу тизим ҳар бир элементининг ташки-муҳит ўзгаришларига қараб ўз имкониятлари ҳамда мувофиқлаштирилган мақсад ва вазифалари бўлиб, мустакил шериковлар эҳтиёжларини қондириш ва фойда олиш максадида товарлар ҳамда хизматларга талабни шакллантириш, ривожлантириш учун доимий ўзаро ҳаракатда бўлган бозор ҳудуди муҳитининг ижтимоий-иктиносий бирликлари мажмуи, деб таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Маркетинг тизими таркибига, биринчи навбатда: таъминотчилар, рақобатчилар, воситачилар, истеъмочилар ва фаолияти таҳлил қилинувчи фирмалар киради.

Юкорида баён қилинганлар асосида, муаллиф, маркетинг тизими ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазасини баён қиласи. Маркетинг тизими, бу ҳўжалик юритишнинг ривожланган бозор тизими билан чамбарчас боғлик ҳолда бошқариш воситаси ҳисобланиб, у бозор конъюнктураси ҳолатини ҳар

² Ф. Котлер Маркетинг менеджмент. Экспресс курс. 2-е изд. / Пер с англ. Под. Ред. С.Г. Божук.- СПб.: Питер, 2005. с. 9.

томонлама ўрганиб бориш корхона (фирма) фаолиятининг макро ва микро мухитлар таъсирига мослаштириш ва унинг ракобатбардошлиқ даражасини ошира борили, натижада истеъмолчиларни товар ва хизматларга бўлган талабини тўларок қондиришга йўналтирилган воситадир.

Диссертацияда маркетинг тизими ҳам маълум белги, хусусиятлар ва амал қилиш конуниятларига эга, деб каралади. Маркетинг тизими товар таъминотчилари, ракобатчилар, сотовчилар, воситачилар, истеъмолчилар ва бошқа бозордаги олди-сотди ва хизмат кўрсатиш жараёни билан боғлиқ субъектлар фаолиятни таҳжил қилиш ва бошқарип муносабатларидан шаклланади. Шунинг учун ҳам маркетинг тизими илмий-техника ютуклари, ижтимоий-иктисодий, ҳалкаро ва ички бозорлардаги контъюнктура ўзгаришларига мос равишда такомиллашиб бориш хусусиятига эга.

Ҳозирги шароитда маркетинг тизимининг иктисодиётнинг барча субъектларида шаклланиши ва унинг муаммоларини илмий нуқтаи назардан ҳал қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу сабабли муаллиф бозор иктисодиёти шароитида истеъмол товарлари бозори моҳияти ва мазмунини илмий-амалий таҳжил қилган ҳолда, у мамлакат иктиносидий ресурсларини тақорор айланишини таъминлаб, давлат ва ахолининг нақд пулга бўлган талабини қондиришда муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга бўлган категория сифатида баҳо беради. Шундан келиб чиккан ҳолда, муаллиф диссертация ишида, айнан истеъмол товарлари бозорининг асосий ва ўзига хос қисми бўлган озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тизимининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган илмий-амалий муаммолар ечимини ҳал қилишга ўз эътиборини қаратади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисми инсонлар истеъмоли учун жуда зарур бўлган неъматлардандир. Шунинг учун ҳам нарх-навонинг ўсиши ҳолатида ҳам бу маҳсулотларга бўлган талаб камаймайди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ишилаб чиқарилиши ва етарли даражада бўлиши мамлакат миллий ҳавфсизлигини таъминлашда ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда физиологик, тарихий, миллий, худудий, иқлим, интеллектуал хусусиятларига асосланган чегараси мавжуд. Шу билан бирга аҳоли даромадлари ўсиши, озиқ-овқат маҳсулотлари ичига юкори тўйимликка эга бўлган маҳсулотларга талабнинг кўпроқ намоён бўлишига олиб келади.

Саноат ва бошқа ноозик-овқат маҳсулотлари чекланмаган миқдорда истеъмол қилинса, озиқ-овқат маҳсулотларини факат маълум миқдоргача истеъмол қилиш мумкин, чунки уларнинг фойдалилик чегараси камайиши конуни амал киласи. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозоридаги талаб кам эгилиувчанликка эга. Шунинг учун нарх-навонинг кескин кўтарилиши талаб миқдорини кескин камайишига олиб келмайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари таклифи нарх-навонинг ўзгаришига, табиий иқлим шароитларига ҳам боғлиқ. Юкорида келтирилган фикр - мулоҳазаларда, озиқ-овқат мажмуасида содир бўладиган бозор муносабатларида, маҳсулотларни истеъмолчиларга стказиш

билин бөглиқ бўлган фаолиятда, маркетинг тизимидан фойдаланиш назарий-амалий жиҳатдан долзарб муаммоларга айланганини билдиради. Озиқ-овқат товарлари бозоридаги маркетинг фаолияти иқтисодининг таксимот функциясига тегиши бўлиб, сотовчилар ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни йўлга юйди, ахолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб - эҳтиёжларини қондиради ва унинг бу функцияси бошқа ижтимоий институтлардан ажратиб, айрибоiplan жараёнини ташки таъсиirlарига боғлиқ бўлмасдан, энг муҳими, макон ва замондаги конъюнктура даражаси билан белгиланади.

Истеъмол товарлари бозори маркетингининг хусусияти шундаки, бозорга келтирилган маҳсулотларни маълум бир сегментга эмас, кўп ҳолларда оила учун харид килинини анча қийинчиликлар келтириб чиқаради. Шунинг учун бу бозордаги маркетинг фаолиятининг асосий максади бозорга келувчилар учун кулагилклар яратиш билан бирга маркетинг изланишини бу соҳада олиб борилиши ва ундан самарали фойдаланиш имкониятларини юзага чиқаришдан иборат бўлиб, маркетинг хизматини ташкил килишдек муҳим жараёиларни камраб олади.

Маркетинг хизматини ташкил килишда куйидаги муайян функцияларни 1-расм бўйича кўрсатиш мумкин.



1-расм. Маркетингни бошқаришнинг муайян функциялари тизми

Маиба: А.Солиев, А.Усмонов Маркетинг // Ўқув қўйсанма Уйгурунчи. 1997 й. 114-б.

Маркетингни бошқаришнинг муайян функциялари маҳсус функциялардан таркиб топган. Хозирги пайтда кўпгина корхоналар ўз фаолиятларини режалаштирийдилар ва буни бозордаги вазиятнинг ҳаддан ташкири тез ўзгариб туриши сабабли режа тузишдан ҳеч қандай фойда йўқ деб изоҳлайдилар. Лекин, ҳар қандай режалаштиришнинг замирида стратегик режалаштириш ётади, унинг мақсади эса узок муддатли ривожланишини таъминлаш учун корхонанинг стратегик танловини аниқ ва изчил ёритиб беришдан иборат бўлиб, бу жараёнга тадқиқот ишида катта эътибор берилган.

Истеъмол товарлари бозори маркетинги мустақил соҳа бўлиб, савдо маркетинги унинг таркибий қисми хисобланади. Иқтисодиёт нуктаси назаридан истеъмол товарлари бозори маркетинги сотовчи ва харидорлар манфаатларини тўла-тўқис таъмин этувчи ҳамда иқтисодий ресурслар қайта тақсимланиб, истеъмол килиниб, яна такрор ишлаб чиқаришга мувофиқлаштириш воситасидир.

Диссертацияда таъкидланганидек, истеъмол товарлари бозорини энг муҳим томонларидан бири талаб ва таклиф ўзаро нисбатларининг намоён бўлипидир. Ҳар қандай шароит, иқтисодий конъюнктура, умумхўжалик ва алоҳида олинган субъект ёки товар нуткаи назаридан катъий назар, рақобатли бозор шароитида нархлар динамикаси, бозорда шаклланадиган талаб ва таклиф нисбатларига боғлик бўлади. Бу жараёнларда бозор механизми элементлари яккол гавдаланади. Таклиф ишлаб чиқариш фаолияти натижаси бўлиб, сотиш учун мўлжалланган товарлар миқдорини кўрсатади, талаб эса жамиятнинг эҳтиёжини билдириб, ишлаб чиқариш учун хом-ашё сифатида фойдаланиши ва инсонларнинг физиологик эҳтиёжини кондириши учун хизмат қилади. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлади ва бозорда содир бўладиган жараёнлардан келиб чиқади. Айниқса, аҳоли истеъмоли учун мўлжалланган талаб миқдори чакана савдо каналлари оркали кондирилади. Бозор талаби кўп функцияли табиатта эга бўлиб, уни башпорат килиш учун бозор ҳолатини таҳлил қилип, ундан кўрсаткичлар динамикасини аниқлаб берадиган таянч омилларни аниқлаш мақсаддага мувофиқдир.

Талаб ва таклиф диалектикаси таҳлилидан келиб чиқкан ҳолда бозорда нарх шаклланишининг муҳим шартлари бўлиб - бозорда сотиладиган товарларнинг мавсумийлиги, таклиф миқдори; рақобатбардоғи маҳсулотлар мавжудлиги ва талаб даражаси; бозорда иштирок этувчи жисмоний шахстарнинг иқтисодий мустақиллиги ва ўзларини эркин тутиши; томонларнинг ўз манфаатларини ҳимоя килган ҳолдаги келишувлари асосида олди-сотди жараёнларини амалга оширилиши; бозорнинг жойлашиб хусусиятлари; аҳолининг сони ва уларнинг бозорлардан фойдаланиши; истеъмолчиларнинг пул даромадлари хисобланади. Ҳозирги шароитда нарх-навонинг ҳосил бўлиш механизми харажатлар, рақобатчилар ҳатти-харакати ва бозордаги талаб ва таклиф мувозапатларига асосланган.

Диссертацияда озиқ-овқат товарлари чакана савдосини ривожлантириш босқичлари ҳакида тўхталиб, муаллиф “Намангансавдо” акциядорлик жамияти ва бошқа савдо компаниялари ҳамда хусусий сектор бўйича озиқ-овқат товарларини сотиш ҳажми барқарор суръатда ўсиб бораётганини қайд қиласи ва бу ҳолат I-жадвал маълумотларида ифодаланган.

Чакана савдо айланмасида озиқ-овқатлар салмогининг ошиб бориши, аҳоли зарурий маҳсулотларни кўпроқ дўконлардан харид қилаётганилигидан далолат беради. Шу билан бир вақтда, уларда товар ҳажмининг ортиб бораётганилиги, товар ассортименти кўпайганлиги ва бунинг натижасида савдонинг бошқа улуши пасайиб бораётганилиги кузатилмоқда. Бу шу билан изоҳланадиши, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш вилоят бўйича жами ишлаб чиқариш таркибида етакчи ўринни эгаллайди, яъни унинг салмоги, жами ишлаб чиқаришининг 49,4 фоизини ташкил этади. Озиқ - овқат

1-жадвал

Наманган вилояти чакана савдо айланмаси динамикаси

(амалдаги нархларда)

Кўрсаткичлар	Иил							
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Чакана савдо айланмаси, млн. сўм.	97535	159281	240472	266614	274108	322760	428304,1	585635,8
шундан: Озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдо айланмасининг улуси, %	62,1	64,3	63,4	66,0	69,8	70,2	71,7	73,0
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган жами товар айланмаси, минг сўм	50,9	80,6	122,5	130,5	133,0	158,9	201,6	271,2

Манба: Наманган Вилоят статистика бошқармаси ҳисоботи материаллари бўйича аниқланган

саноати динамик тарзда ривожланмоқда, масалан. 2007 йилда 2006 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,7 фоизга ўсиши кузатилган. Бунда озиқ-овқат саноати маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича сезиларли даражада ўсишига эришилган. Жумладан, гўшт маҳсулотлари 17,0 фоиз, қандолат 24,5 фоиз, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариша 53 фоиз ўсиши кузатилганлигини қайд қилиш лозим.


Озиқ-овқат истеъмоли бозорида маркетинг тизимини қўллашнинг мухим жиҳатларидан бири бу товарлар гурӯҳлари, турлари бўйича у ёки бу савдо корхоналаридан сотилиш дарражасини ўрганиш ўта мухим бўлиб, унинг натижасида ҳар бир товар гурӯҳлари бўйича аниқ хуласалар чиқариш мумкин бўлади. Товарлар гурӯхи бўйича уларнинг улуси тўғрисидаги маълумот 2-расмда ифодаланган.



2-расм. 2007 йилда Наманган вилояти савдосида озиқ-овқат маҳсулотлари улуси

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

Шуни таъкидлап лозимки, Наманган вилояти шаҳарлари ва туманлари ахолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашада вилоятларро ўзига хос бўлган товар алмапиши мавжуд бўлиб, вилоятга бошқа вилоятларда хам зарур бўлган маҳсулотлар келтирилади. Бу жараённи ўрганиш натижасида муаллиф томонидан амалга оширилган маркетинг изланишлари шундан далолат берадики, ахоли истеъмоли учун энг зарур бўлган маҳсулотларнинг 3-расмда тасвирланганидек кўринишдаги натижа олинган.



3-расм. Наманган вилоятига бошқа вилоятлардан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари таркиби

Манба: Наманган вилояти статистика бошкармаси маълумотлари асосида тузилган

2007 йилда вилоятга ахоли истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бир кисми Андижон, Фаргона, Тошкент вилоятларидан келтирилган. Сабзавот маҳсулотларининг 23 фоизи, картопканинг 21 фоизи, хўл меваларнинг 11 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 6 фоизи шулар жумласидандир. Бу жараён ҳар доим ривожланишга ва амал қилишга лойик бўлиб, вилоятлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий интеграция янада такомиллашиб боради.

Муаллиф фикрича, ҳар бир савдо корхонаси ўз фаолиятини мавжуд имконият ва салоҳиятдан келиб чиқсан ҳолда юритишига ҳаракат килиши ва биринчи навбатда пухта ишлаб чиқилган қисқа муддатлар (кун, ой, кв)га мўлжалланган жорий режани қўллаши юқори самара беради. Диссертацияда истеъмол товарлари бозорида рақобат муҳити мавжудлиги шароитида савдо корхонаси фаолияти самарадорлиги, уни маркетинг тизимидан фойдаланиш ва ривожлантириш ҳисобига содир бўлиши ва бу жараён корхона истиқболини аниқлаб берувчи сифатида қаралган. Айнан рақобат жараёнлари ва муносабатлари бозорда маркетинг тизимидан фойдаланишини тақоза этади. Мукаммал ривожланган бозорда товарлар ва хизматлар тижорат ютугининг

асосий омили бўлиб, унинг ракобатбардошлиги ва иқтисодий барқарорлиги ҳисобланади.

Айрим ривожланган мамлакатлар тажрибасига назар солсак (масалан, АҚШда), озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолини таъминлаш вазифаси фермер ҳўжаликлари зиммасига юклangan бўлиб, мамлакатда яратилган барча дэхкончилик ва чорвачилик маҳсулотлари доимо такомиллашаётган сақлаш, транспортда ташиш ва юқори сифат кўрсаткичларини таъминлаган ҳолда истеъмолчига етказиш тизими орқали бошқарилоқда.

Бундай жараён жуда кўплаб Ўарбий Европа мамлакатларида ҳам амалга оширилиб, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига маҳсулот етказиб бериш маркетинг тамойиллари асосида ташкил қилинган. Европа мамлакатларидан Венгрия, Болгария, Руминия, Польша ва шу кабиларда фермер ҳўжаликлари билан бирга ахоли ихтиёрида ёрдамчи ҳўжаликларнинг ҳам мавжудлиги, улар маҳсулотларини ташкилий равишда харид қилиш механизми орқали озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан истеъмолгача бўлган барча жараёнлари ҳар бир йўналиш бўйича кооперативлар фаолияти асосида ташкил этилиб, ибратли ҳолатда уларнинг ҳар бирни бир-бирлари билан узвий боғланган ҳолда иш кўришади. Масалан, Венгриядаги мана шундай фаолият савдо уйлари зиммасига юктаниб, ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача бўлган барча жараёнлар, яъни етилигирилган маҳсулотни хонадонлардан маълум бир вақтларда харид қилиш, ташини, саклаш, сотиш, экспорт учун тайёрлаш, оптика ёки товар кўринишини йўқотган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарига топшириш, маҳсулот этиштирувчиларни минерал ўғитлар, кичик техника ва жиҳозлар билан таъминлаш ва ниҳоят, энг муҳими, харид қилинган маҳсулот учун ишлаб чиқарувчига мақбул бўлган шароитда хисоб-китобни амалга ошириш йўлга қўйилган.



4-расм. Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳаракати

Манба: Муаллифни илмий тадқиқотлари асосида тузилган

Бундай тизимни Ўзбекистонда ҳам амалда қўллаш зарурияти стилди. Аммо ҳозирги шароитда дехқон ва фермер хўжаликларида этиштирилган маҳсулотларни айрбонлаш бир-бирига қарама-қарши икки йўналиш билан характерланади. Бир томондан, давлат тузилмалари орқали маҳсулот сотиш ҳажмининг камайиши, иккинчи томондан, истеъмол бозори ҳудудида маҳсулотларни сотиш ҳажмининг ортиб бориши. Шунинг учун ҳам диссертацияда истеъмол бозори савдосини янада яхшилаш борасида биринчи навбатда маҳсулотлар ҳаракатини йўлга қўйишга катта эътибор берилиб, муаллиф таклифи бўйича уни 4 - расмдаги каби кўринишда амалга ошириш мумкин.

Расмда ифодаланганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳаракати жуда кўплаб субъектлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб истеъмолчи талаб-эҳтиёжини қондириш, ракобатчилар фаолияти билан ҳам узвий боғланган. Бу эса, ўз навбатида, чакана савдо фаолиятини маркетинг тизими билан узвий боғланган ҳолда юритишни тақозо этади ва у корхонанинг стратегик функцияларини амалга оширишда муҳим восита бўлиб юзага чиқади.

Истеъмол бозори томонидан амалга ошириладиган функциялар стратегик масала ҳисобланади ва уни ҳаётга татбиқ қилишдан бозорнинг ижтимоий-иктисодий самарадорлиги ортади. Бизнинг фикримизча, яқин келажакда истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи супермаркетлар, йирик савдо уйлари ёки савдо марказлари фаолият юритиши ҳақиқатдан йироқ эмас.

Кузатип натижаларидан олинган ҳулосаларда истеъмол бозори ҳам сотовучи, ҳам харидор учун жуда катта имкониятларга эга бўлган савдо обьектларидан бири эканлиги сезилиб турибди. Истеъмол бозорини максадли бозор сифатида ўрганиш учун қабул қилинган кўрсаткичлардан бири бу озиқ-овқат маҳсулотларини бозордаги ҳажми ҳисобланиб, бозорда аниқ бир товарни маълум бир даврда сотиш ҳажмининг умумий миқдори тушунилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол бозорининг ривожланишини таъмин этишда стратегик режалаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, унинг мазмуни ўзгараётган, янгиланаётган бозор муносабатлари шароитида истеъмол бозори максадлари билан имкониятлари ўртасидаги тенгликни ишлаб чиқиш ва қўллаб - қувватлашдан иборатdir. Бу бозор учун хос бўлган стратегик режалаштиришининг максади, унинг ривожланиши ва хизмат кўрсатиш доирасини янада кенгайтириш билан боғлиқ бўлган истиқболли йўналишларни аниқлашдан иборат. Шу максадда диссертацияда истеъмол бозори ҳажмини маълум муддатлар учун аниқлашга эътибор берилиб, у истеъмол имкониятларини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги асосланган. Истеъмол имконияти маълум бир давр оралигига энг қулай шароитларда сотиладиган товарлар миқдори билан белгиланиб, қуйидаги формула орқали аниқланиши мумкин.

$$G_i = S_i K_i \cdot E_i - Y_i, \quad i = 1, 2, \dots, n,$$

бу ерда: G_i - i -турдаги товарнинг бозор ҳажми, S_i - i -турдаги маҳсулот истеъмолчилиари сони, K_i турдаги маҳсулотнинг физиологик истеъмол қилиши нормаси, E_i - нархлар ва даромадларга боғлиқ бўлган i -чи товарга талабнинг эластиклиги коэффициенти, Y_i - i -чи товарларнинг йўқотилиши, сифатлизилиги ва бопкә сабабларга кўра истеъмолга яроқсизлиги.

Бу формула оркали истеъмол бозорида сотилип учун келтирилган i -турдаги маҳсулот бўйича истеъмол меъёри ва товарларнинг эластиклиги коэффициентини ҳисобга олган ҳолда бозор ҳажми аниқланади.

Вилоят истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари турлари бўйича истиқболи башпорат маркетинг тизимидан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилди. Бунинг натижаси ўлароқ, истеъмол бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш аҳоли турмуш фаровонлигига бевосита таъсир этиб, бу бозорни ҳозирги замон талаблари асосида ташкил этиш учун инициалист - асосий вазифалардан бири эканлиги тадқиқот ишида қайд килинган.

2008-2012 йилларда Намангандаги вилояти истеъмол бозорида сотиладиган озиқ-овқат товарларининг асосий турлари бўйича ўсип суръати юкори даражада бўлиб, аҳоли талаб - эҳтиёжини кондиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, дон маҳсулотлари 2012 йилга бориб 2008 йилга нисбатан 1,25, сабзавот 1,5, пиёз 1,5, гўшт маҳсулотлари 1,5, мева маҳсулотлари 1,4, узум 1,4, сут 1,46, тухум 1,4 мартаға кўлайиши бащорат килинган.

Шунинг учун ҳар бир субъект истеъмол бозори савдосида ўзининг мўлжалланган бозорини қанча тўла, чуқур, батафсил, яхши ўрганиб олса, у ўз фаолиятини шунчалик аниқ ва асосланган даражада ташкил этиш, иктиносидий самараға эришиш имкониятига эга бўлади. Бащқача қилиб айтганда, бозорни тўла ва чуқур ўрганиш ҳар кандай бозор субъективнинг муваффақият гаровидир.

ХУЛОСА

Замонавий маркетингнинг назарий асосларини таҳлил қилиш билан бирга истеъмол товарлари бозорининг, айниқса, Намангандаги вилоятидаги озиқ-овқат моллари бозорининг ҳозирги аҳволи ўрганилди ва натижада куйидаги хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Истеъмол товарлари бозорида энг муҳим маркетинг тамойили - ракобат ва рақобатбардошлиқ муносабатларини ривожланиши учун егарли шарт-шароит ва имкониятлар яратилиши, ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолиятини ракобатчи корхоналар билан солиштирган ҳолда, бозордан ўзининг ўринини топиши ва барқарор фаолият юритишига кенг имкониятлар яратиши лозим. Шу мақсадда бизнинг фикримизча: товар бозорларида харидор талабларини бенуқсон бажарилишига эришиш, вилоят савдо

департаменти ишларини янада әркинлаштириш, ойдинлаптириш, савдо, харид ва бошқа бозор субъектлари фаолиятини харидор манфаати нұқтаи назаридан келиб чиқкан ҳолда ташкил қилиш зарур.

2. Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг хозирги босқичида бозор муносабатларининг барча элементларини намоён бўлиб боришига қарамасдан чакана савдо тармоқларини мунгизам равишда товарлар билан таъминлаш тизими замон талаби даражасида шаклланиб бўлгани йўқ. Савдо-харид омборлари етарли даражада товар заҳираларига эга эмас. Чунки уларнинг шартномавий алоқалари кўпши мамлакатлар савдо-харид базалари, саноат корхоналари билан узилиб қолган, моддий-техника воситалари эскирган. Шунинг учун ҳам вилоятдаги чакана савдо тармоқлари, хорижий ҳамкорлар билан шартномавий муносабатларини мустаҳкамлашлари керак. Бунинг учун истеъмол товарлари чакана савдосини маркетинг тамойиллари асосида шакллантириш ва ташкил этиш чоратадбирларни амалга ошириш лозим.

3. Шаҳар ва туман марказларидағи савдо-харид бўгинлари ишини замонавий коммуникация тизими асосида қайта ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар билан доимий шартномавий алоқаларни ўрнатиш, олдиндан буюртмалар бериш, нарх-наволарини келипшиш ва бошқа ишларни йўлга кўйиш лозим.

4. Озиқ-овқат товарлари истеъмол бозорида маркетинг тизимини ташкил қилиш ва мажмуали бошқарицда маркетинг хизматини юритиш, тартибга солиш ва уни назорат қилиш, Наманган шаҳар «Савдо ва хизмат соҳалари департаменти» томонидан амалга оширилиши, қабул қилинаётган карорларнинг стратегик характеристири ва бошқариш механизмининг ҳамма элементлари уйғунлигини таъминлаш лозим.

5. Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини модернизация қилиш ва ихтисослаштириш ишлари кучайтирилиши, товарлар ва хизматларни «Истеъмол мажмуалари» шаклида таклиф этиш ва буни амалга ошириш учун замонавий «Супермаркет», «Минимаркет», «Савдо мажмуалари» ва бошқа хизмат кўрсатиш шаҳобчалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва улар фаолиятини йўлга кўйиш, шунингдек, уларни қайси жойларда қурилиши билан боғлиқ ишларни ҳал қилиш керак бўлади.

6. Чакана ва ултуржи савдо шаҳобчаларини модернизация қилиш ва қурилиш лойиҳаларини Япония, Хитой, Европа мамлакатлари ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларидағи савдо мажмуалари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ўзига хос Шарқона концепцияга асосланган “Гипер маркет” ва “Супер маркет”ларга айлантириш мақсаддга мувофиқ.

7. Вилоят миқёсида чакана савдо бозорларида рақобат мұхитини янада кенгайтириш, истеъмолчилар хуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида «Истеъмолчилар хуқуқини ҳимоя қилиш иттифоқлари»ни ташкил этиш ва

янгидан-янги иш услубларини жаҳон тажрибасини ўргангандан ҳолда жорий этиши лозим.

8. Истеъмол товарлари бозори истиқболини олдиндан режалаштириш, кўшни давлатлар бозорларидаги холатни ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил килиш ва натижалари билан барча бозор субъектларини таъминлаб туриш тизимини яратиш зарур.

9. Истеъмол бозорида маркетинг тизимининг мазмуни сотувчиларга ва харидорларга хизмат кўрсатиш шарт-шароитини яратиб бериш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бозорда иштирок этиши учун ташкилий масалаларни ҳал этиб, нарх-навонинг харидорлар талабига мос келадиган ҳолда шаклнанишига эришиш ва шу орқали ююри маданиятли савдо ва хизматлар сервиси тизимини яратишдан иборат.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИҶЛАР РЎЙХАТИ

1. Солиев А., Мадияров Ф. Қишлоқ худудларида кичик корхоналарни яратиш муаммолари ва ёнимлари // Иновация-98: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами.-Фарғона: ФПИ, 1998. 89-90 б.

2. Мадияров Ф.А. Фарғона водийси истеъмол товарлари бозори инфратузилмасининг аҳволи ва муаммолари // Макроиктисодиётнинг минтақавий муаммолари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами.- Фарғона: ФПИ, 1998. 52-53 б.

3. Ахмадхўжаев Х., Мамарасулов Х., Мадияров Ф. Маркетинг тадқиқотлари. Ўкув кўлланма. –Тошкент: Шарқ, 2002. -110 б.

4. Мадияров Ф., Ҳасанова Ш. Кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиши, ривожлантириш муаммолари ва ёнимлари // Кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришда янги техника ва технологияни кўллаш ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Наманган: НамМИИ, 2002. 85-87 б.

5. Мадияров Ф., Юсупов З., Исоқов А. Дехқон, фермер ҳўжаликларининг ривожлантириш истиқболлари // Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда инвестиция ва замонавий технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари: Республика илмий амалий анжуман материаллари тўплами. – Наманган: НамМИИ, 2004. - 111-112 б.

6. Мадияров Ф., Ҳасанова Ш., Раҳмонова Г. Қишлоқ худудларида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш муаммолари ва ёнимлари // Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда инвестиция ва замонавий технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари: Республика илмий амалий анжуман материаллари тўплами. – Наманган: НамМИИ, 2004. - 112-113 б.

7. Мадияров Ф., Мадраимов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг хориж тажрибаси // Иқтисодиёт ва таълим, Тошкент, 2006. - №1. 159-167 б.

8. Мадияров Г. Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тизими шаклланиши // Иқтисодиёт ва таълим, Тошкент, 2006.- №4. 47-50 б.
9. Мадияров F., Хайитов С. // Иқтисодиёт фанининг йўналишларини ривожлантириш муаммолари: Республика илмий амалий анжуман материаллари тўплами. – Фарғона: ФарДУ, 2007. 55-56 б.
- 10.Мадияров F., Ҳайитов С. Озиқ-овқат товарлари чакана савдосида маркетинг тизимидан фойдаланиш // Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2007. - №2. 85-90 б.
- 11.Мадияров F. Озиқ-овқат товарлари ресурсларидан фойдаланишда маркетинг тизимини кўллаш ва унинг шаклланиш хусусиятлари // Билимларга асосланган янги иқтисодиёт шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш муаммолари: Республика илмий анжуман материаллари тўплами.-Фарғона: ФарДУ, 2007. 118-120 б.
12. Мадияров F., Абдуллаева Г. Озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги ва унда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг ўрни ва роли // Иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2008. 162-164 б.

**Иктиносод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Мадияров Гафуржон Ахмедовичнинг 08.00.13-«Менежмент ва
маркетинг» иктиносолиги бўйича «Истеммол товарлари бозорида
маркетинг тизимини ривожланиши (озик - овқат товарлари
мисолида)» мавзуидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: Маркетинг тизими, маркетингни бошқариш, маркетинг стратегияси, маркетинг концепцияси, истеммол товарлари бозори, хизматлар бозори, озик-овқат товарлари бозори, бозор конъюнктураси, талаб, таклиф, нарх-наво.

Тадқиқот обьекти: Тадқиқот обьекти бўлиб, Намангандардаги вилоятидаги озик-овқат маҳсулотлари билан савдо-сотикини амалга оширувчи чакана савдо ташкилотлари ва корхоналари хисобланади.

Ишнинг мақсади: Тадқиқот ишнининг асосий мақсади - истеммол товарлари бозорларидаги иктиносодий-ижтимоий муносабатларни таҳдил килиш асосида, унда самарали маркетинг тизими ривожланиши истиқболларини аникловчи илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуслари: Тадқиқот жараённада статистик гурухлари, тизимли таҳдил, иктиносодий-статистик баҳолаш, таккослап, эксперт баҳолаш, сегментлаш, рақобатдаги устунлик даражасини аникланаш ва бопиқа усуслардан кенг фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: истеммол бозорида маркетинг тамойиллари, омиллари ва худудий хусусиятлари асосланган; ахолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва ривожланишининг ҳозирги боскичида маркетинг тизимидан самарали фойдаланиши йўллари ишлаб чиқилган; истеммол товарлари бозорида рақобат мухитини шаклланиши ва ривожланиши воситалари асосланган; озик-овқат маҳсулотлари бозори ривожланиши башпорати ишлаб чиқилган; истеммол бозорида маркетинг тизимини таҳкил килиш шакллари ва бошқариш жараёнларининг истиқболли йўллари илмий асослаб берилган; истеммол бозорида хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши истиқболлари аникланган; озик-овқат маҳсулотларини сотиш жараёнларини тартибга солини ва такомиллаптириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: Истеммол товарлари бозорида маркетинг тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий тавсиялар, ахолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ва шу оркали ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларида фойдаланилади.

Амалиётга татбиқ этиш даражаси ва иктиносодий самарадорлиги: Тадқиқот натижалари, ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар Намангандардаги савдо ва хизмат кўрсатиш департаменти (13-ноябр 2007 йил №165 / 1-02 қарори билан қабул қилинган) амалиётидаги ҳамда Намангандардаги мухандислик-иктиносодий институтининг «Маркетинг» кафедраси ўқув жараёнида (2-сонли илмий услубий кенгаш қарори 2007-йил 26-сентябр) фойдаланимоқда.

Қўлланиш соҳаси: Истеммол товарлари бозори субектлари, вилоятлар, савдо-хизмат кўрсатиш ва товар ишлаб чиқариш департаменти тизими, истеммолчилар ҳукукини химоя килиш иттифоқлари фаолиятида, олий ва ўрга маҳсус таълим тизими ўқув жараёнларида фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

**диссертации Мадиярова Гафуржана Ахмедовича на тему:
«Развитие системы маркетинга на рынке потребительских
товаров (на примере продовольственных товаров)» на
соискание ученой степени кандидата экономических наук по
специальности 08.00.13-«Менеджмент и маркетинг»**

Ключевые слова: система маркетинга, управление маркетинга, стратегия маркетинга, рынок потребительских товаров, рынок услуг, рынок потребительских товаров система маркетинга концепция маркетинга, конъюнктура рынка, спрос, предложение, цена.

Объектом исследования является система маркетинга на рынке потребительских (продовольственных) товаров, спрос, предложение и цена, конкурентная среда, монополистическая деятельность и поведение потребителей в рыночной торговле, а так же на рынке услуг.

Цель исследования. Анализ социально-экономических отношений среди субъектов рынка потребительских товаров и услуг, разработка научных и методических основ развития эффективной системы маркетинга.

Методы исследования: системный анализ, статистическая группировка, экономико-математический, экспертная оценка, сравнение, сегментация, превосходство на конкуренции и др.

Полученные результаты их новизна. Анализированы теория и практика системы маркетинга на рынке потребительских товаров и услуг. В результате научно обоснованы пути наиболее полного удовлетворения спроса населения на товары и услуги, а так же повышения культуры обслуживания путём дальнейшего развития свободной конкуренции, ограничения деятельности монополистов, усиление защиты прав потребителей, модернизации и специализации торговой сети на основе формирования системы современного маркетинга. Обоснована разработка нового «Кодекса розничной торговли и услуг» с показателями их качества.

Практическая значимость. Внедрение разработанных научных и методических рекомендаций по развитию современной системы маркетинга в деятельность субъектов рынка товаров и услуг позволит значительно повысить культуру торгового обслуживания, ограничить деятельность монополистов, развивать конкуренцию полно удовлетворить спрос населения на товары и услуги.

Система внедрения и экономическая эффективность: разработанные научно-методические рекомендации по развитию системы маркетинга, принятые для практического использования Наманганским городским департаментом по торговле и услугам а также производству товаров народного потребления (13 ноября 2007 года №165/1-02). Материалы диссертации используется при подготовке текстов лекций и учебных пособий на кафедре «Маркетинга» Наманганского инженерно-экономического институте (протокол №2 26- сентябрь - 2007 г.).

Область применения - деятельность субъектов потребительского рынка и органов управления ими при Хокимиятах, союзы по защите прав потребителей, а так же система образования.

R E S U M E

Thesis of of Madiyarov Gafurjon Axmedovich on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in economic sciences, speciality 08.00.13 —«Management and marketing» on a theme: «Development of system of marketing in the market of consumer goods (at the example of goods)»

Key words: the market of consumer goods, the market of services, the market of means of production, the right of consumers, monopolistically activity, marketing, system of marketing, the concept of marketing, strategy of marketing, market condition, demand, the offer, the price.

Subjects of the inquiry is system of marketing in the market consumer (food) goods, demand, the offer and the price, the competitive environment, monopolistically activity and behavior of consumers in the market to trade, and also in the market of services.

Aim of the inquiry: the Analysis of social and economic attitudes among subjects of consumer goods and services, development of scientific and methodical bases of development of effective system of marketing.

Methods of inquiry: The system analysis, statistical grouping, economic-mathematical, an expert estimation, comparison, segmentation, the superiority on a competition, etc.

The results achieved and their novelty: the theory and practice of system of marketing in the market of consumer goods and services were analyzed. Ways of the fullest satisfaction of demand of the population on the goods and services, and as increases of culture of service by the further development of a free competition, restrictions of activity of monopolists, strengthening of protection of the rights of consumers, modernizations and specializations trading networks on the basis of formation of system of modern marketing are as a result scientifically proved. The development of new "The Code of retail trade and services" with parameters of their quality is proved.

Practical value: Introduction of the developed scientific and methodical recommendations on development of modern system of marketing in activity of subjects of a commodity market and services will allow to raise considerably culture of trading service, to limit activity of monopolists, to develop a competition most full to satisfy demand of the population for the goods and services.

Degree of embed and economic effectivity: the developed scientifically-methodical recommendations on development of modern system of marketing are accepted for practical use by the Namangan city department on trade and services, and as to manufacture the goods for national consumption. (November, 13 th, 2007, 165/i-02). The materials of the dissertations are used for preparation of texts of lecture and manuals on faculty of "Marketing" of Namangan engineering-economic institute.

Sphere of usage: Activity of subjects of the consumer market and the organization of management attached to the Hokimiyat regional (government), the unions on protection of the rights of consumers, and control and system of education.